

ПАХТАНИ ҒАРАМЛАШ, БУЗИШ ВА ТАҚСИМЛАШ БЎЙИЧА ЧЕТ ЭЛ ТЕХНОЛОГИЯСИ ТАХЛИЛИ

Абдуллаев Шарофиддин Юусуп ўғли

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Маллаев Орифжон Самад ўғли

Термиз муҳандислик-технологиялар институти

Аннотация: Ушбу мақолада хорижий пахта тозалаш корхоналарида пахтани ғарамлаш, модул қилиш жараёнлари ўрганилган.

Калит сўзлар: Пахта, модул, тола, сифат, сақлаш, намлик, ифлослик.

Аннотация: В данной статье рассматриваются процессы хлопкоочистки и модульности на зарубежных хлопкоочистительных предприятиях.

Ключевые слова: Хлопок, модуль, волокно, качество, хранение, влага, загрязнение.

Annotation: This article discusses the processes of ginning and modularity at foreign ginneries.

Key words: Cotton, modulus, fiber, quality, storage, moisture, pollution.

Пахтани тайёрлаш ва сақлаш масаласи нафақат бизда балки чет элда ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. АҚШ да пахта тўлиқ 98% гача машиналарда териб олинади.

1,6 х1,6 км га эга бўлган дала майдонларига бир вақтнинг ўзида 10-13 та пахта териш машиналари ва 2 та модулли ғарамлагич ўрнатилади. 4-5 соат давомида даладаги бутун пахта майдон чеккасига ўрнатилган модулларга жойланади. Шунинг учун даладаги пахтани теришга тайёргарликка катта эътибор беришади. Ёввойи бегона ўтлардан тозалашади, ўз вақтида ва сифатли ғўза дефоляция қилинади, майдонлар тайёрланади, пахта териш машиналарини қайрилиб олиши учун йўллар ва бошқалар тайёрланади [41]. Пахтани териш тўлиқ барча кўсаклар очилгандан кейин амалга оширилади. Пахта машиналари билан пахта бир ўтимда териб олинади.

АҚШ да мавсумли пахтани қайта ишлаш тизими қабул қилинган. Пахта даладан бевосита пахта тозалаш заводларига етказиб берилади ва қайта ишлашга берилади. Бугунги кунда АҚШ да пахта тозалаш заводлари 1500 тани ташкил этади, уларнинг ўртача ишлаш даври 16 ҳафтага яқин. Юқори иш унумдорликка эга бўлган пахта териш комбайнларини яратилиши пахта териш мавсумини кескин қисқаришига имконият яратди, шу билан боғлиқ заводларнинг мавсумий ишлаш хусусиятига қарамаздан пахтани сақлаш муаммоси туғилди.

Л.Пэрик ва К.Р.Шеби америкалик мутахассислар бу муаммони икки йўл билан ечиш мумкин деб ҳисоблашади. Пахта тозалаш заводларининг иш унумдорлигини


ошириш ёки пахта учун омборхоналарни яратишни кўпайтириш. Кўпгина ҳолатларда муаллифлар заводларнинг иш унумдорлиги ҳосилни териш суръатини кўпайишига пропорционал, лекин пахта учун омборхоналардан оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлашади.

Пахта тозалаш заводлари қаторида қайта юклаш станциялари қўлланилади. Пахта транспорт кузовидан пневмотранспорт қурилмаси ёрдамида тозалаш бўлимига узатилади. Қайта юклаш станциясига тозалагичлар, оғир аралашмаларни ушлагичлар ва циклон қурилмалари киради. Қайта юклаш станцияси комплектига керак бўлган ҳолларда қуриштиш агрегатини ҳам киритишади. Пахтани узатиш 2-3 ишчи ёрдамида қўлда амалга оширилади. Пневматик ташиш қурилмасини энергия сарфи кўп. Бунда, масалан, 4 та жин ўрнатилган заводни таъминлаш учун ўрнатилган умумий қувватнинг 40% атрофидаги қуввати фақатгина пахтани завод ичида ташишга сарфланади. Бундан ташқари изланишларда аниқланишича, пахтани ҳаво билан ташишда уни сифат кўрсаткичлари ўзгариши кузатилган. Шу сабабли пахтани тележкалардан омборларга ҳаво билан ташишнинг америкача услубини қўллаш кўриниб турибдики ўзини ўзи қопламайди.


Кўпгина заводлар тиркамаларни бўшатиш мақсадида ғарамлашда 1,5-2 тоннали сиғимли металл корзиналарни қўллаш бошлашди. Корзиналарни кўчириш 4 тоннали юк кўтаргичларда амалга оширилади. Корзиналар айвонларни тагига жойлаштирилади ёки полиэтилен материаллар билан ўраб қўйилади. Изланишлардан аниқландики, корзиналарда узоқ вақт сақлаш пахтани сифатига умуман таъсир қилмас экан. Корзиналарни ўлчами 18% гача бўлган юқори намликдаги пахтани сақлашга, шунингдек кичик габарит ўлчамлари эвазига ғарамланган пахтани табиий шамоллатишни ҳам таъминлаб туради.

Арканзас ва Мехико штатларида чигитли пахтани тойларда ғарамлаш амалиётда қўлланилиб кўрилган. Ҳозирги кунда АҚШда “Поддонли модуллар”да, яъни кўчма контейерларда пахтани ташиш ва сақлаш кенг қўлланилмоқда. “Cotton Inc” (АҚШ) фирмаси 6300 кг оғирликдаги пахтани ғарамлаш учун кўчма контейерлар конструкциясини таклиф этди. У иккита вертикал деворларга эга бўлиб, силлиқ металл листлардан ташкил топган (1-расм).

Мавжуд пахтани ўзлуксиз равишда даладан заводга ташиш усули билан таққослаганимизда, тайёрлашнинг модул тизими қайта ишлаш мавсумини сезиларли даражада қисқаришига имконият яратади. Модуллар ғарамни ташиш, сақлаш ва чигитли пахтани ишлаб чиқаришга узатиш жараёнларини тўлиқ механизациялайди. “Модул”лар далада, махсус майдонларда, тайёрлов пунктларида шакллантирилади. Модуллар махсус автотранспортлар–трейлер–ёрдамида даладан пахта тозалаш заводига ташилади. Модуллардаги пахтани қабул қилиш учун механизмлар тизими яратилган (2-расм).



1-расм. Чигитли пахта модулни шаклантирувчи кўчма контейнер машинасининг схемаси



2-расм. Модуларни қабул-қилиш ва бузиш механизмлари тизими

Модуларни қабул қилиш ва бузиш тизими ўз ичига: ғарамлаш учун майдон, бузгич ва магистрал транспортер, пахтани ишлаб чиқаришга узатувчини олади [51,52].

Бузгич қозиқчали барабанлар тизимидан, магистрал транспортерни бузилган пахта билан таъминлайдиган узатувчи транспортердан тузилган. Бузгичнинг технологик механизми ўзиюрар шассига эга бўлган умумий каркасга ўрнатилган. Бузгич ишлаш даврида йўналтиргич бўйича ҳаракатланади, модулни бузади ва пахтани магистрал транспортерга узатади.

Хулосса қилиб айтадиган бўлсак ушбу мақолада хорижий пахта тозалаш корхоналарида пахтани ғарамлаш, модул қилиш жараёнлари унинг камчиликлари ва бартараф қилиш усуллари ўрганилган

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Parpievich P. A. et al. ANALYSIS OF THE RESULTS OF THE INITIAL OPERATION OF COTTON WITH HIGH MOISTURE IN COTTON CLEANING PLANTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 11. – С. 1026-1029. Parpievich P. A. et al. ANALYSIS OF THE RESULTS OF THE INITIAL OPERATION OF COTTON WITH HIGH MOISTURE IN COTTON CLEANING PLANTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 11. – С. 1026-1029.

2.Parpievich P. A. et al. ANALYSIS OF MOISTURE AT DIFFERENT POINTS OF COTTON IN THE GARMENT DURING THE STORAGE PROCESS OF HIGH-HUMIDITY COTTON //Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 83-86.

3.Парпиев А. П. и др. НАМЛИГИ ЮҚОРИ ПАХТАНИ САҚЛАШ ЖАРАЁНИДА ҒАРМДАГИ ПАХТАНИНГ ТУРЛИ НУҚТАЛАРИДАГИ ИФЛОСЛИКНИНГ НОТЕКИСЛИГИ ТАХЛИЛИ //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 162-164.

4.Yusup o'g'li A. S. et al. SELECTION OF TECHNOLOGY AND EQUIPMENT FOR THE PREPARATION OF COTTON STORAGE AT HIGH MOISTURE //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2023. – Т. 2. – №. 4.

5.Абдуллаев К. Ю. и др. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ПАХТА САҚЛАШ ТАЖРИБАСИ ТАХЛИЛИ //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 133-135.